

---

## Бағдодлик ёшлар ободонлаштириш ойлигида фаоллик кўрсатмоқда

Ёшлар ишлари агентлиги Бағдод тумани бўлими фаоллари, волонтерлар, шунингдек, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ободонлаштириш ойлиги доирасида ўтказилаётган хайрия ҳашарларида фаол қатнашмоқдалар. Айнан уларнинг ташаббуси билан бугун тумanning "Дашт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Ғойиб ота" қабристонига тозалов ва ободонлаштириш тадбири ўтказилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги олдидан ўтказилган мазкур хайрия тадбири давомида қабристон ва зиёратгоҳга элтувчи қарийб 1 минг метрдан зиёд узунликдаги йўлаклар тартибга келтирилди, бегона ўтлардан, хас-ҳашакдан тозаланди. Қарийб 950 та манзарали дарахтларга ишлов берилди.

- Ободонлаштириш тадбирлари барча маҳаллаларда олиб борилмоқда ва уларда ёшлар - етакчи куч сифатида кўринмоқда, - дейди бўлим бошлиғи (в. б.) Жавоҳир Камолиддинов. - Хайрия ҳашарларида қабристонлар ва зиёратгоҳларни ободонлаштиришга, теварак-атрофда кўкаламлаштирилган майдонлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу билан ёшларимизда ижтимоий фаоллик ҳамда экологик маданиятнинг юксалишига ҳисса қўшмоқдамиз.

Таъкидланишича, навбатдаги хайрия ҳашари "Конизар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги айни ном билан аталувчи қабристонда ташкилланади.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-08-24 17:54:56